Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 232 (6. 123) ◉ 1986 йил 9 октябрь, пайшанба ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга!

# ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ — БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

Қурилиш майдонларида

## МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА — НОЯБРЬ

Тажрибали бригадир Ю. Ҳакимов етакчилигидаги коллектив 3-трестнинг 16-қурилиш бошқармасида илғор бригадалардан ҳисобланади. Бинобарин, комплекс бригаданинг пайвандчи Ю. Курицин, монтажчи А. Мошанло, дурадгор М. Бурцев каби илғор ишчилари меҳнат календарида ҳозир ноябрь ойи бошланди.

— Ушбу коллектив бошқарма бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақада мунтазам совринли ўринларни эгаллайди, — деди 16-қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Н. В. Соколова. — Бунга бригада аъзолари аҳиллик билан ишлаб, сифат ва самарадорликни оширишга интилаётганлиги туфайли эришилмоқда.

Бугунги кунда Ю. Ҳакимов бошчилигидаги бригаданинг 34 аъзоси «Сергели-2» турар жой массивида ғайрат кўрсатяпти. Улар блокли-ҳажмли тўққиз қаватли уйни графикдан ярим ой ўзиб қуришяпти. Ҳозир тўққизинчи қаватда девор панеллари монтаж қилинмоқда.

Бинокорлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг келгуси йили нишонланадиган 70 йиллиги шарафига байрамгача икки йиллик топшириқни бажариш, объектларни тез, соз ва сифатли қуриш мажбуриятини олишган.

М. МУРОДОВ.

## «ЯХШИ» БАҲО БИЛАН

2-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг Александр Закусилов ва Николай Ванин бошчилигидаги комплекс бригадаларининг аъзолари бир неча йилдан бери ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Иккала коллектив ҳам бригада пудрати асосида ишлаб дуруст натижаларни қўлга киритяпти.

Яқинда уйсозлар Юнусобод массивининг «СБ-3» кварталида беш қаватли иккита уйни «яхши» баҳо билан фойдаланишга топширишди. Пардозлаш ишларини шу уйсозлик комбинатининг 3-пардозлаш ишлаб чиқариш бошқармаси, ободонлаштириш ишларини «Ташинжстрой» тресті 3-қурилиш бошқармаси бригадалари адо этишди.

М. ФЕЛЬДМАН.

## ПРОПАГАНДИСТ — БЕШ ЙИЛЛИККА

**«Миконд» заводи партия комитетида коллектив фахрлана оладиган моҳир пропагандистлар оз эмас. Пўлат Ҳакимовични корхонанинг бош энергетиги сифатида жуда ҳурмат қилишади. Айни пайтда у партия маорифи системасининг тажрибали пропагандисти сифатида ҳам муносиб обрў-эътибор қозонган.**

**— Пропагандист П. Алимовнинг 8-цехда пропагандистлик қилаётганига саккиз йилдан ошди, — дейди корхона партия комитетининг секретари Ш. Саидов. — У беш йиллик режаларини амалга ошириш учун курашда бошқаларга намуна бўляпти. Яқинда цехларни қишга тайёрлаш масаласи билан қизиқдик. У пропагандист бўлган 8-цехда бу борада иш яхши бораётганини, бунда унинг ҳам озми-кўпми ҳиссаси борлигини кўриб хурсанд бўлдик.**

**Умуман, биз ҳар бир пропагандистнинг оташин ва даъваткор сўзи ана шундай амалий иш билан омухта бўлишига интиляпмиз.**

Ҳ. ИКРОМОВ.

## Юксак маррадан ўзиб

Пиликловчи Тамара Кочневанинг тўқимачилик комбинати 1-йигирув фабрикаси пилта-пиликлаш цехида ишлаётганига саккиз йил бўлди. Шу йиллар мобайнида у меҳнатда катта тажриба ва маҳорат орттирди. У ойлик топшириғини мунтазам 110—115 процент бажариб, юқори сифатли пилик ишлаб чиқармоқда. Тамара Кочнева 264 та урчуқни бошқармоқда. Бу эса белгиланган нормадан 1,5 баробар кўпдир. У фабрикада юқори меҳнат унумдорлигига эришиб ишлаш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашяпти. Цех коллективи унга ишонч билдириб яна цех касаба союз ташкилоти раҳбари этиб сайлади.

Коллективда ташкил этилган социалистик мусобақада ҳамкасбларига намуна кўрсатаётган моҳир пиликловчи беш йилликнинг дастлабки йили планидаги 122 тонна-ю 799 килограмм ўрнига 125 тонна-ю 698 килограмм маҳсулот топширди. Планга қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулоти 2 тонна 920 килограммни ташкил этди.

Г. РИЗАЕВА.

## МЕТАЛЛ САРАЛАШ ОСОНЛАШАДИ

Маъдандан мис саралаб олиш сира осон иш бўлган эмас. «Средазниипроцветмет» институти олимлари коллективи яратган янги технология мис ажратиб олишни соддалаштиришга ёрдам беради. Улар маъданга фтор ионлари билан ишлов беришни таклиф этдилар. Фтор ионларида кремний бирикмалари бўлган силикатлар яхши эрийди. Шу боисдан ҳам таркибида мис бўлган силикат минераллари эритмага илгаригидагига нисбатан тезроқ ўтади.

Айни вақтда муҳим экологик вазифа ҳам ҳал этилади. Саралаш жараёнининг бошқа босқичлари чиқиндилари ҳам фторли эритма — реагент сифатида хизмат қилиши мумкин. Шу тахлитда ана шу методнинг қўлланилиши атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтирган, анчагина сувни тежашга имкон берган бўлур эди.

(ЎзТАГ).



## МОҲИР ТОКАРЬ ҲИССАСИ

**Илғор токарь Юрий Беловцев ўз ишига меҳр қўйган. Унинг «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётганига 19 йилдан ошди. Бу йиллар ичида у ўз зиммасига юклатилган ҳар қандай топшириқни ҳалол ва фидокорона бажаришга ҳаракат қилди. Натижа ёмон бўлмади. У коллектив ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонди.**

**Ҳозир у коммунистик меҳнат зарбдори. Ўн иккинчи беш йилликда корхона коллективи олдига катта вазифалар қўйилган. Коллектив қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган. Моҳир токарь ана шу йўлда фидойилик кўрсатяпти. Ойлик топшириқларни мунтазам 130—150 процентдан адо этяпти.**

СУРАТДА: пешқадам ишчи Ю. Беловцев.

М. Нуриддинов фотоси.

## Активлик ошяпти

**«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўн иккинчи беш йиллик ва унинг тўнғич йили план-топшириқларини муваффақиятли бажариш учун цех партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ва активлигини оширишга муҳим эътибор қаратиляпти.**

**— Зиммага қабул қилинган юксак мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш биринчи галдаги бурчимиз, — дейди корхона партия маорифи кабинетининг мудири В. М. Крамаренко. — Партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йилига пухта тайёрланар эканмиз, асосий эътиборни ана шунга қаратяпмиз. Негаки, биз учун энг муҳими ишнинг сўнгги натижаси, қандай самара беришидир. Шуниси қувончлики, ўтган ойларда барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича сезиларли силжишлар бўлди.**

**Корхонада, айниқса, Й. Худойберганов етакчи бўлган 2-цех, С. Волохович етакчилик қилаётган 26-цех партия ташкилотлари актив иш олиб боряпти. Улар ўз ишларини шу кун талаблари асосида пухта ва омилкорлик билан ташкил этмоқда.**

Замондошимиз



## Корхона фахри

**Агарда Ёқубовлар оиласи дастурхон атрофида жамул-жам бўлиб қолса, суҳбат мавзуи айланиб-айланиб, албатта, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ютуқ ва камчиликларига, коллектив олдида турган вазифалар ва муаммоларга бориб тақалади. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Сабаби, оила бошлиқлари ҳам, уларнинг фарзандлари ҳам бир ерда — пахта тозалаш саноати корхоналари, пахта пунктлари учун замонавий, серунум машиналар ишлаб чиқараётган корхонада меҳнат қилишади.**

**Ёқубовлар сулоласи «Узбекхлопкомаш» бирлашмасининг фахри. Корхона қўлга киритаётган муваффақиятларда ана шу оила аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор. Оила бошлиғи Тошкенбой ака шу ерда ҳайдовчи, унинг умр йўлдоши Махсума опа токарь, фарзандлари Қўчқорбой ҳайдовчи, Маҳфуза иш тақсимловчи бўлиб меҳнат қилишади. Ота-она фарзандларининг ҳам меҳнатсевар, софдил бўлиб етишганликлари билан фахрланадилар.**

**Махсума Тўраевна Ёқубова бирлашманинг энг моҳир токарларидан бири. Барча топшириқларни ўз вақтида, сифатли бажаради. Фарзандларидан ҳам ана шундай меҳнат қилишни талаб қилади. Улар ишлаб чиқараётган машиналар нақадар пухта бўлса, иш унуми ҳам ана шундай юқори бўлишини тушунтиради. Махсума опа кўп йиллик фидокорона меҳнати учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.**

СУРАТДА: М. Ёқубова.

Т. Каримов фотоси.



# ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

## ЧЎЛҚУВАРЛАР УЧУН

Пойтахтимиздаги Фрунзе районининг кўпгина меҳнат коллективлари Жиззах область Мирзачўл районидаги ва пойтахт областининг Оққўрғон районидаги хўжаликлар билан оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича шартномалар тузишган. «Ўроқ ва Болға» иттифоқига содиқ бўлган фрунзеликлар шу кунларда деҳқонларга пахта йиғим-теримида яқиндан ёрдам беришяпти.

Чўлдаги совхозларда техникани ва бошқа юкларни ташиш бўйича олтита автомашина ишлаяпти. Иккита кўчма автоустахона дала шароитида пахта териш машиналари ва бошқа техника воситаларини ремонт қилишда қатнашаяпти. Қишлоққа яна тўртта пайвандлаш агрегати, малакали пайвандчилар, электриклар, ўн саккиз кенг профилдаги слесарь юборилди.

Чўлқуварлар хўжаликларда Фрунзе райони корхоналари ва ташкилотларидан бориб турли ишларни бажараётган мутахассислар ҳақида миннатдорчилик билан гапиришаяпти. Жумладан, «Узбекгазификация» тресті пайвандчилари Мирзачўл районининг Абай совхозида водопровод тармоқларини кенгайтириш бўйича анча ишларни бажаришди. «Таштекстильмаш» машинасозлари, 2502-автоколонна ҳайдовчилари ҳам Мирзачўл райони хўжаликларига хизмат кўрсатиб, ташаккур эшитишди.

Йиғим-терим арафасида районнинг кўпгина коллективлари оталиқдаги совхозларга металл, ускуналар ва бошқа материаллар ажратди. Бу эса қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

„ОҚ ОЛТИН" — ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Фарғона | 3,10 | 66,52 |
| Тошкент | 6,03 | 54,75 |
| ҚҚАССР | 2,03 | 50,17 |
| Бухоро | 1,81 | 49,50 |
| Хоразм | 1,89 | 49,27 |
| Наманган | 3,73 | 45,35 |
| Сурхондарё | 2,99 | 43,97 |
| Сирдарё | 5,43 | 40,29 |
| Жиззах | 3,71 | 33,90 |
| Самарқанд | 2,81 | 33,16 |
| Андижон | 2,79 | 30,96 |
| Навоий | 1,95 | 28,17 |
| Қашқадарё | 1,68 | 26,78 |
| Республика бўйича: | 3,06 | 42,91 |



## АТЕЛЬЕ — КОМБИНАТ

**Бундан чорак аср муқаддам Тошкентда ўзига хос тикувчилик ательеси иш бошлаган эди. Эндиликда у ишлаб чиқариш комбинатига айланган.**

**Ўзбекистон ССР Театр жамиятига қарашли бу корхона модельер-конструкторлари, рассом-безакчилари турли спектаклардаги ролларга мос кийим-бошлар, бутафоралар тайёрлаб бериб, томошаларнинг мазмунли бўлишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.**

**Кейинги йилларда ателье республикамиздаги бошқа томоша заллари, ижодий коллективлар буюртмаларини ҳам бажаришга киришди. Эндиликда киностудиялар, цирк, вокал-чолғу ансамбллари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам моҳир чеварлар хизматидан баҳраманд бўлишаётир.**

**Ўтган 25 йил ичида ательеда кўплаб махсус модельер-конструкторлар, рассом-безакчилар, бичиқчилар етишиб чиқди. Н. Петрова, М. Петухова, А. Андриянова ва бошқалар шулар жумласидандир.**

С. ОДИЛОВА.

## КЕКСАЛАР ОРОМ УЙИ

Пойтахтимизнинг баҳаво Юнусобод массивида кексалар учун янги интернат-уй бунёд этиладиган бўлди. Унда нуроний отахон ва онахонлар учун барча шароитлар яратиб берилади. Ошхона, томоша зали, медицина кабинетлари, меҳнат терапияси хоналари кексалар хизматида бўлади.

«Ташгипрогор» лойиҳа институтининг инженерлари тайёрлаган бу лойиҳада бино олдида яшил боғ бўлиши, унда жисмоний машқларни бажариш ёки дам олиш мумкинлиги кўрсатилган. Хонаси келганда истиқоматчилар боғда соҳибкорлик юмушларини бажаришлари мумкин. Кексалик гаштини сурадиган нуронийлар маскани келгуси йили қурилади.

Ш. СИДДИҚОВА.

*Муҳим халқаро воқеа олдидан*

# Жаҳон Тинчлик Кенгаши СССР ва АҚШ раҳбарларига мурожаатнома юборди

ХЕЛЬСИНКИ. Жаҳон Тинчлик Кенгаши Рейкьявикда бўладиган учрашувлари муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Р. Рейганга мурожаатнома юборди. Кенгаш бу воқеа муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, барча қитъалардаги миллион-миллион тинчлик тарафдорлари номидан бу учрашув натижалари планета барча кишиларининг орзу-умидлари ва эзгу ниятларига мувофиқ келади, деб умид билдиради.

Рейкьявикдаги учрашув Ер юзида ядро синовларини тақиқлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва унинг космосга олиб чиқилишига йўл қўймаслик борасидаги музокараларга самарали омил бахш этишини, шунингдек, халқаро иқлим умуман яхшиланишига кўмак беришини жуда-жуда хоҳлаймиз, дейилади ҳужжатда. Бу нарса олий даражада ўтказилажак учрашувда қуролсизланиш соҳасида муҳим қарорларга эришиш йўлини очиб беради ва бутун инсоният шундан умидвор, деб таъкидлайди Жаҳон Тинчлик Кенгаши.

Бу умидлар ядро даврининг кечиктириб бўлмайдиган талаблари билан боғлиқдир, дейилади мурожаатномада. Бу умидлар бугунги реалликларга, шу жумладан, яқинда Стокгольмдаги конференцияда ҳамда МАГАТЭ бош конференциясининг Венада ўтган сессиясида эришилган битимларга ҳам асосланади. Улар сиёсий хоҳиш ва ҳамжиҳатлик бўлса, ҳатто энг мураккаб проблемаларни ҳам ҳал этиш мумкинлигини билдиради.

Ҳозир яхши ниятли миллион-миллион кишилар Исландия пойтахтига диққат-эътибор бериб турибдилар, дейилади мурожаатнома пировардида. Бутун инсоният Совет — Америка учрашуви муваффақиятига ишонади.

## СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1986 йил июль ойида Владивостокда сўзлаган нутқида эълон қилганидек, чекланган совет ҳарбий қисмлари составидаги олти полк Совет раҳбарларининг қарорига мувофиқ, 15 октябрда Афғонистондан Совет Иттифоқига олиб чиқиб кетила бошланади ва шу ой мобайнида бу иш ниҳоясига етказилади. Чекланган совет ҳарбий қисмлари Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг илтимосига биноан у ерда вақтинча турибди.

